

Мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг турли кўринишларида экологик таълим бериш” мавзуидаги методик қўлланма (кичик гуруҳи учун машғулот ишланмаларидан намуналар)

Ушбу методик қўлланма мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг турли кўринишларида экологик таълим беришда тарбиячилар ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилди. Методик қўлланма кичик гуруҳи учун машғулотлар ишланмаларидан намуналар.

Муллифлар: З.А.Файзиева, Н.Асильова

Фарзандларимизни етук маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда экологик тарбиянинг ўзига хос ўрни бор. Зеро, таълим жараёни бир-бирига узвий боғлиқ бўлган маънавий, иқтисодий, психологик, технологик тараққиёт таъсирига бўйсинган. Бу жараён боланинг дунёқараши, кенг иқтидорли, эркин ва соғлом фикрловчи шахсларни вояга етказишнинг бош омилидир. Айнан соғлом бола Ватани, юрти истиқболи учун жонкуяр бўлади. Туғилиб ўсаётган замини табиати, ота - боболаринг азалий мероси ва маданиятини кўз қорачиғидек асрраб-авайлашга интилади.

Мактабгача ёшдаги бола онги - шуурида бу қадриятлар куртакларини шакллантириш, ривожлантиришга, малакасини мукаммаллаш, билимини бойитиш тарбиячилардан катта маҳорат талаб этади.

Экологик таълимнинг илк вазифаларини бажаришга болалар фаолиятининг турли кўринишларини кенг қўллаш орқали эришиш мумкин. Мактабгача таълим муассасаларида болалар жалб этиладиган фаолиятлар комплекс равишда, изчил ташкил этилса, мактаб таълимига пухта замин тайёрланади. Муассасада ташкил этиладиган тасвирий фаолият, нутқ ўстириш, математика, бадиий адабиёт билан таништириш бўйича ўйин - машғулотлар, сайдар ва кузатувлар, теварак-атроф билан таништириш, меҳнат топшириклари бажариш каби фаолиятларнинг барчаси экологик таълим вазифаларини уйғунлаштириш, болалар билим - тушунчаларини бир тизимли бўлишини таъминлайди.

## **Мактабгача таълим муассасининг кичик гурух болалари билан ўтказиладиган машғулот ишланмаси намуналари**

Мавзу: «Олтин куз» шеърини ёд олиш.

Мақсад: Болаларни нутқини ўстириш, лугатини бойитиш, хотираси дикқатини ривожлантириш, майда қўл моторикасини харакатчанлигини ўстириш.

Керакли жиҳозлар: Рангли расмлар.

Машғулотнинг бориши:

Бўм- бўш дала қир,  
Ёғади ёмғир.  
Тинмай муттасил,  
Бу қайси фасл? (Куз)

-Болалар, куз фаслида қандай ўзгаришлар кузатилади.  
- Дараҳт барглари сарғайиб ерга тўкилади, хазон резги вақт бошланади. Далалар боғларда ҳосил йигилади.  
– Болалар, бугун сизлар билан А.Зиёматнинг «Олтин куз» шеърини ёд оламиш. Шеър ифодали ўқиб берилади, сўнгра бир қатордан ёд олдирилади. Болалар шеъrimиз сизга ёқдми? Нима хақида экан? Баракалла келинглар бармоқларимиздан баргларни тозалаб олувчи «Хаскаш» ясаймиз.

Физ дақиқа: (Бармоқлар машқи)

Дараҳт тўқар баргини  
Хаскашда йигай уни.

Болалар, шеъrimизни яна бир бор такрорлаб олайликчи.

3-4 та боладан шеърни ёд олиш сўралади.

Энди эса «Ким чаққон» ўйинини ўйнаймиз.

Мана бу ерда барглар тўкилган, ким тез ва кўп баргларни териб олишга мусобақалашамизми? (Барглар саналади, ғолиб аниқланади). Ўйин давомида болалар рағбатлантирилиб, машғулот якунланади.

## **Мавзу: «Чана учамиз» суръати асосида сұхбат.**

Таълимий мақсад: Болалар нутқини ўстириш, расм асосида 2-3 сүздан иборат гап тузишга ўргатиши, қиши фасли хақидағи билимларни бойитиши.

Тарбиявий мақсад: Ҳар бир фаслнинг ўз фазилатини қадрлашга, табиат гүзәлликларидан баҳра олиш ҳиссини тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсад: Хотирасини мустаҳкамлаш, диққатини жамлашга ўргатиши.

Керакли жиҳозлар: Рангли расмлар, рангли иплар

Машғулотнинг бориши:

Болалар сизларга бир топишмоқ айтаман, жавобини топинг.

Ерни қор қоплар,

Сойни муз ёпар.

Аёз беҳазил,

Бу қайси фасл (Қиши)

Баракалла бу қиши фасли. Қиши фаслида нима ёғади?

Жуда түғри, қор. Унинг ранги қандай? Оппок, баракалла. Агар ташқари совуқ ва қор ёққан бўлса, болалар қандай ўйинларни ўйнайдилар. «Қор бўрон» ва «Чана учадилар».

Келинглар, биргаликда қор бўрон ўйинини ўйнаймиз. («Қор бўрон» қўшиғи қўйилади ва болалар қўлларида қор ясаб бир - бирларига отадилар.)

Болалар, қор бўрон ўйнаб жуда чарчадик, келинглар энди чана учамиз. Қани, иккитадан бўлиб оламиз, биримиз чанада ўтирамиз, иккинчимиз тортамиз. (Арқонни ушлаб олинади, биринчи бола олдинга тортади, иккинчи бола ушлаб кетидан юради)

-Қани, мазза қилиб учдикми, жуда яхши.

-Ия, совуқ қотиб қолибсизку? Аёз қиши ўз хунарини кўрсатиби, юзлармиз, қўлларимиз, бурун ва қулоқларимиз музлаб қолибди. Уларни иситайликчи, яхши энди тезкор харакатлар қилиб танамизни қиздирамиз.

Физ дақиқа:

Қани болалар турдик,

Эндиҳи тез ўтирик.

Корларни тезда тўплаб,

Кор бўронлар ўйнадик.

Ана ўйнаб олдик, чопиб уйга кирайликчи.

Ўйнаб-ўйнаб чарчадик

Тарқалишни бошладик.

Мана, мазза қилиб ўйнаб келдик.

-Қани нималар қилдик?

-Қандай ўйинларни ўйнадик?

-Болалар сизлар қиши фаслини фазилатларини кўрдингизми, у ҳам ўзгача бўлиб, ҳар фаслнинг ўз зийнати бор экан, бу табиат иномларини қадрига етишимиз керак.

Энди эса диққат билан қараб турасиз, мен қандай ҳаракат қилаётганимни айтасиз. (Ривожлантирувчи ўйин: «Пантомимо») Болалар рағбатлантирилиб, машғулот якунланади.

### **Таълимий ўйин: Мазасидан топ.**

Мақсад: Меваларни таъм билиш сезгиси орқали фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйинда 4-5 нафар бола иштирок этади. Болаларнинг кўзи бойланади ва саватча устидаги мато олиниб бола истаган мевасини олиб тишлайди ва номини айтади. (Меваларни тозалигига эътибор бериш)

Мақсад: Болаларга ҳайвонлар ҳақида тушунча бериш, уларни фарқлай олиши ва кўрув диққатини ривожлантириш.

Ўйинни бориши:

Қўл ва бармоқлар ёрдамида қуш, ҳайвонларни кўринишини, соясини туширилади ва тасвирланган жонзотга мос шеър ўқилади. Болалар соядан ва шеър мазмунидан топадилар. Бу ўйинда бир гурух болалар иштирок этишлари мумкин.

## **Мавзу: Ўйинчоқни тасвирлаш.**

«Мушук ва сичқон ўйини»

Мақсад: Ўйинчоқларни номини түғри номлаш, ҳайвонларни ўзига хос ҳусусиятларини айта олишга ўрганиш, лугатини бойитиш, фаоллаштириш, тасаввурини кенгайтириш.

Вазифа: Топишмоқларни жавобини түғри топиш, бармоқлардан мушук, сичқонни түғри ҳосил қилишга ўргатиш, ўйин коидаларига риоя қилиш

Керакли жиҳозлар: Рангли расмлар, ўйинчоқлар, мультимедия

Машғулотни бориши: Болалар, мен сизларга топишмоқ айтаман жавобини топинг.

Мўйлови бор, соқоли йўқ (Мушук)

Бир кулранг бузофим бор,  
Уйдагилар ундан безор,  
Бозорга олиб борсам,  
Топилмайди харидор (Сичқон)

Болалар, мушук қандай кўринишида?

Ранги қандай? У қандай товуш чиқаради?  
Мушукнинг боласини нима деб атаймиз? (Мушукча)

Сичқонничи, унинг кўриниши қандай?

Сичқон хақида гапириб беринг-чи.  
Баракалла, сизлар мушук ва сичқон хақида кўп нарса билар экансиж. Улар ҳеч қачон келиша олмай доим уришиб юрадилар.  
Болалар биз уларни бармоқларимизда ҳам ҳосил қила оламиз.

Физ. дақиқа: (Бармоқлар машқи)

Бароқвойнинг қулоғи динг,  
Пойлар сичқонвой йўлин

Мустахкамлаш: Болалар биз сизлар билан қайси ҳайвон ҳақида гаплашдик?

Келинглар энди биргаликда «Мушук ва сичқон» ўйинини ўйнаймиз.

Рағбатлантириш: Болалар сизлар машғулотда фаол қатнашдингиз. Шунинг учун сизларни энг севимли қаҳрамонларингиз иштирокидаги «Том

ва Жэри» мультфильмини намойиш этамиз. Марҳамат (3 минут)  
Намойишдан сүнг машғулот яқунланади.

### **Мавзу: «Ақлли карға» қайта ҳикоя қилиш.**

Мақсад: Қайта ҳикоя қилиш малакасини ривожлантириш, боғланган нутқини  
үстириш, ифодали нутқини тарбиялаш, хотирани мустаҳкамлаш.  
Вазифа: Ҳикояни дикқат билан тинглаш, түғри гап тузиш. Товушга  
тақлид қилиш устида ишлаш.

Кутилаётган натижа:

Асарни қайта ҳикоя қилиш, «З» товушини түғри талаффуз эта  
олиши.

Керакли жихозлар: Асарга доир расмлар.

Машғулотни бориши:

Қарға қарға!  
Қоғ-қоғ-қоғ,  
Күнглинг нега.  
Чоғ-чоғ-чоғ,  
Қор ёғмокда.  
Қор-қор-қор,  
Унга күпдан.  
Эдим зор.

Болалар, бу шеър қайси қүш ҳақида? У қайси фаслда учиб келади? Қарғани  
күринишини тасвирлаб беринг-чи? (тумшуғи, думи, қанотлари,  
боши)  
У күпроқ нимани хуш күради? (ёнғоқни)

Бугун мен сизларга «Ақлли карға» ҳикоясини айтиб бермоқчиман. (Тарбиячи  
ҳикояси тингланади) Ҳикоя устида савол-жавоб ўтказилади. Эртак  
нима ҳақида экан?  
Қарға сув сираб учиб юрганда нимага кўзи тушибди. (Кўзачадаги  
сувга) Сувни ича олдими? Нима қилди?  
Эртакни тарбиячи яна бир бор айтиб беради.

Физ. дақиқа: Қарғалар учиб келдилар,

Далаларга қўндишлар,

Донларни чўқиб-чўқиб,

Яна учиб кетдилар.

Мустаҳкамлаш:

Болалар, сизлар нима ҳакида эртак тингладингиз. Қани айтиб берингчи?

Баракалла, эртакни яхши эслаб қолибсиз. Энди биргаликда сизларни чаққонлигингизни синаб кўрамиз.

Сизлар билан «Чивинлар» ўйинини ўйнаймиз. (Болалар икки гуруҳга бўлинадилар, биринчи гуруҳ чивинлар, иккинчи гуруҳ сайрга чиқсан болалар бўлади. Биринчи гуруҳ болалари иккинчи гуруҳ болаларини белгиланган жойдан чиқса 3,3,3, деб қувлашади.)  
Болалар чивинлардан яширинишади.

Рағбатлантириш : фаол иштирокчилар рағбатлантирилади ва машғулот якунланади.

### **Атроф олам билан таништириш**

#### **Мавзу: Бизнинг жонли бурчагимиз**

Таълимий мақсад: Жонли бурчакдаги ҳайвонлар ва уларни кўриниши билан таништириш. Болалар нутқини ўстириш, янги сўзлар билан бойитиш.

Тарбиявий мақсад: Ҳайвонга бўлган меҳр хиссини уйфотиши.

Ривожлантирувчи мақсад: Диққатини, хотирасини мустаҳкамлаш. Майда қўл моторикасини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: Жонли табиат бурчагидаги ҳайвонлар, чиганоқлар.

Машғулотни бориши:

Бизлар ўйнайпмиз,

Давра қуряпмиз.

Даврага келинглар,

Сизлар ҳам кўшилинглар.

Болажонлар, мана бугун бизлар машғулотимизда гуруҳимиздаги жонли табиат бурчагидаги турган ҳайвонлар билан танишамиз. Мана бу ҳайвонларнинг номи нима?  
Тўғри, балиқлар

Қаранглар, улар сувда ҳаёт кечирадилар. Турли рангда бўладилар. Уларнинг ранглари қандай экан? Диққат билан қарасангиз, уларнинг кўринишлари, катталиклари ҳам турлича. Болажонлар, уларни нималари бор экан? Кўринишлари қандай? Диққат билан кузатамиз.

Уларни танаси танга билан қопланган бўлиб, думи, оғзи, кичкинагина қўзлари бор.

Балиқ сувсиз яшай олмайди. Шунинг учун ҳам катта денгизларда турли катталикдаги балиқлар учрайди. Бизнинг табиат бурчагимиздаги балиқлар эса энг кичкиналаридир.

Қаранглар сизлар уларни томоша қилаётганингиздан жуда хурсандлар. Келинглар улар билан ўйнайликчи.

Физ. дақиқа: (Бармоқлар машқи)

Балиқ-балиқ бақалоқ,  
Акулага чақалоқ,  
Қани энди зўр бўлсанг.  
Денгиздан чиқиб бир бок.  
Қаранглар улар учун бу шеър жуда ёқди.

Болажонлар, сувда балиқларимиз чиганоқлар орасида сузуб юришибди.

Аммо чиганоқлар жуда кам. Ҳозир сизлар билан биргаликда «Ким тез ва кўп чиганоқлар йиғади» ўйинини ўйнаймиз. Бунда биз балиқларимизга ёрдам берамиз. Улар учун қайғурамиз. «Ҳаракатли ўйин». Болажонлар бугун балиқларимиз сизлардан жуда хурсанд, келинглар уларни биргаликда овқатлантирамиз. Болаларни ўйин давомида рағбатлантириш машғулотни якунлаш.

### **Мавзу: «Ит ва унинг болалари»**

Таълимий мақсад: Ит, уни кўриниши ва болалари ҳақида тушунча бериш, эркалаш, кичрайтириш қўшимчаларини фойдаланишга ўргатиш.

Тарбиявий мақсад: Ҳайвонларга тўғри муносабатда бўлиш хиссини тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсад: Эшитув диққатини ривожлантириш, хотирасини мустаҳкамлаш.

Керакли жиҳозлар: Ит ва унинг болаларининг расми, шакллар, кучукча ўйинчоқ.

Машғулотни бориши:

Ия, болажонлар бугунги машғулотимизга қайси ҳайвон меҳмон бўлиб келиди. Тўғри кучукча, уни қаердан танидингиз.  
Овозидан танибсиз, баракалла.  
Негадир кучукчамиз ҳафа экан? Қани сўраб кўрайликчи? Нега хомушсан кучукча?

-Мен ойимни йуқотиб қўйдим.

-Мен кичкина бўлганим учун ҳамма мени кучукча дейди. Катта бўлсам, кучук деб чақиришади. Ойижонимни адаштириб, ёқотиб қўйдим, менга ёрдам беринглар, вов-вов-вов. Ҳафа бўлма, биз сенга ёрдам берамиз. Келинглар кучукчани онасини соясидан излаб кўрамиз.


### Таълимий ўйин : «Соясидан топ»

Мана, болажонлар кучукчамизни ойисини соясидан топдик, бироқ кучуклар бир-бирига ўхшаб кетади. Келинглар, уларни кўриниши ва рангидан ҳам топишга ҳаракат қиласиз. «Ўхшашини топ».  
Дидактик ўйин: Жуда яхши болалар, сизлар кучукчага ойисини топишга ёрдам бердингиз. Энди эса уни хурсанд қилиш учун шеър айтамиз.

Физ. дақиқа:

Соқчиман уйингизга,  
Кўриқчи куйингизга.  
Кучукман мен вафодор,  
Ҳамма мендан миннатдор.  
Вов-вов-вов

Болажонлар кучукчамиз ва уни ойиси учун мана бу шакллардан ин қуриб берамизми? Ундей бўлса дикқат билан кузатинг ва инни ясанг.  
Кимни ини чиройли чиқса кучукчамиз шу инда яшайди.



Инни қандай шакллардан ясайди?  
Баракалла, қани кучукчамиз танласинчи?

-Ҳамманинг ини менга ёқди. Дўстларимни ҳам бу инларда яшашлари учун чақириб келаман. Вов-вов-вов.

- Майли, тезроқ чопақол.

Машғулотни яқунлаш.

### **Тасвирий фаолият (лой иши)**

#### **Мавзу: «Жўжа» ясаш**

Таълимий мақсад: Паррандалар ҳақида тушунча бериш, шакл, ҳажм ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Тарбиявий мақсад: Жониворларни севишга ўргатиш, уларга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсад: Умумий ҳаракат моторикаси ва майда қўл моторикасини ривожлантириш, диққати, хотирасини мустаҳкамлаш.

Машғулотни бориши: («Жўжаларим» қўшиғи қўйилади).

Сариқ рангли жўжа кириб келади.

-Болажонлар, бугунги машғулотимизга жўжа меҳмон бўлиб келибди.

Чип-чип

Жўжа фақат чип-чип деб уёқдан бу ёққа чопиб юрибди. Менимча она товуқни изляпти. Келинглар, уни тинчлантириб дон берамиз. Қаранглар, жўжамиз жуда чиройли, қанотлари кичкина, тумшуғи, думи бор. Болалар жўжа паррандаларга киради.

У тухумдан чиқади. Бу жўжамиз ҳам янги тухумдан чиқкан бўлса керак. Товуқ 2та тухум қўйган, аммо қайси тухумдан чиққанини билолмаяпмиз. Қани уни бир санайликчи.

Дидактик ўйин: «Бўлаклардан бутун яса».

Демак товуқ 3та тухум қўйишган ва мана бу жўжамиз адашиб қолган. Болажонлар, уни товуқ ёнига олиб бориб қўямиз. Мана жўжамиз она товуқ ёнида. Келинглар, уни лойдан ясад қўрамиз. (Намуна асосида ясалади.)

Физ. дакика:

Тухумдан чиқдик бизлар,

Жүжача ўғил-қизлар.

Онажонимиз товук,

Қанисиз едик совук.

Жўжаларимиз жуда чиройли, биз уларга озор бермаймиз. Уларни парвариш қилиб боқамиз. Энди биргаликда «Она товуқ ва жўжалар» харакатли ўйинини ўйнаймиз.

### Тасвирий фаолият

#### Мавзу: «Саватдаги олмалар»

Таълимий мақсад: Мевалар ҳақида билимларни мустаҳкамлаш, олмаларни шакли, ранги ва мазаси ҳақида тушунча бериш.

Тарбиявий мақсад: Меваларни ювиб ейишга, тоза-озода ишлашга ўргатиш, табиатни асраш хиссини ўстириш.

Ривожлантирувчи мақсад: Диққатни жамлашга, хотирани мустаҳкамлаш.

Керакли жиҳозлар: Намуна мевалар, саватча.

Машғулотни бориши.

-Салом, болалар! Мен ҳозир катта бозорга бориб, бир талай мевалар харид қилдим. Келинглар, сизларга уларни кўрсатаман.

–Мана бу мевани номи нима? – олма.

–Унинг ранги қандай? – шакли-чи?

-Буниси эса анор- унинг ранги, шаклини айтинг-чи.

–Болалар энг ширин маззали, бу мевани номи қандай? –Тўғри, Меваларимиз ичida олхўри бормикин?

-Албатта бор, унинг шакли узунчоқ экан.

–Болалар бу меваларимиздан ойижонларимиз нималар тайёрлашади? Баракалла, мураббо, компот, сок тайёрлаш мумкин экан.

–Ундай булса, мана шу олмани чиройли қилиб ясаймиз. (Намуна асосида ясаш) Физ. дақиқа:

Олма пишди,

Ерга тушди.

Хомини уздим,

Дадам уришди.

–Болалар, дараҳтдан сўрамасдан олма узиш мумкин эмас. Дараҳт шоҳларини синдириш ҳам мумкин эмас.

–Табиатга озор бермаслик, ҳайвонлар ва ўсимликларни қадрлаш лозим. Болалар, келинглар сизлар турли ҳайвон дўстларимизга айланасиз. Бир мусобақалашиб қўрайликчи.

Тонгда ҳар ён.

Ўтлоқقا чиқди қуён,

Айиқвой, тулки, бўри.

Ҳайвонларнинг энг зўри.

Йигилган ушбу жойда,

Югуриш кони фойда.

Кимда-ким чиқса ғолиб,

Кетар олмасин олиб.  
–Демак, ким ғолиб бўлса, чиройли, ширин олмалар совға бўлади.  
(олмаларни саватчага солиш)

-Болаларни рағбатлантириб,

машғулотни якунлаш